

НИМА САБАБДАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКДАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Акбаров Ойбек Эркинжон ўгли
ИИБ Академияси 3-ўқув
Курси 311-гуруҳ курсанти

Даврлар ўзгариши ва илм техника ривожланган айти вақтда республикамизда хуқуқбузарликлардан жабрланганлар сони кескин ортиб бормоқда. Бунга нима сабаб ва буни ечими нима деган саволга хар томонлама атрофлича ўрганилмоқда. Аммо буни сабабини ўрганиш ва жабрланувчиларни сонини камайтириш мақсадида турли хил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислох этишда амалга оширилаётган кенг ислохотлар, сиёсий тизимни янгилаш, хуқуқий демократик давлатни шакллантириш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини янада тўлароқ таъминлаш, шахс учун қонунларни бузишдан кўра унга амал қилишни рағбатлантирувчи хуқуқий тизимни эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти”¹, - деб таъкидлаган эди. Шу боисдан мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чоратадбирлар амалга оширилиб, хуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга эришилмоқда ҳамда криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сон Фармонида ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла хуқуқ-тартибот масканларини босқичмабосқич ташкил этилиши қуйидаги тартибда белгиланди:

- маҳалла хуқуқ-тартибот масканида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, Миллий Гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади;

- маҳалла хуқуқ-тартибот масканида жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Қарори.

- профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш “Smart маҳалла” ахборот дастури асосида ташкил этилади;

- жойлардаги вилоят ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан “профилактик огоҳлантирув мурожаат” қилиб бориш амалиёти жорий этилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси – ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш жараёнида маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва хушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларидан иборат².

Бундан ташқари профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга қарамасдан ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар *Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш* нафақат ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганади, балки, бахтсиз ходиса, табиий офат, уруш, геноцид ва бошқа ҳолатлар оқибатида юзага келган жабрланишларни ўз ичига олади.

Жиноятлардан одам ўлдирган жиноятчининг оила аъзолари жабрланиши, масалан, жиний қилмишни тўхтатишда иштирок этиш вақтида ёки жиноят жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш чоғида уларга муайян зарар етказилиши мумкин.

Боз устига, баъзан жиноятчининг ўзи жабрланиши мумкин (масалан, оммавий тартибсизликларда, бир гуруҳ шахс бўлиб безорилик қилишда, муштлашувларда). Шу сабабли кимни амалда ва муайян тарзда жиноятдан жабрланувчи деб ҳисоблаш мумкин, деган савол криминализация ва декриминализация жараёни, жиний тажовуз объектининг чегараларини белгилаш билан боғлиқ³.

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 341-модда.

³ Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. - Т., 2008. - 305 б

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган чоралардан эканлиги белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида “ишонтириш усулининг устуворлиги” махсус принцип сифатида ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этиш жараёнида қатъий амал қилинишини талаб этади. Айнан, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари эса мазкур принципни амалга татбиқ этилишини ва устуворлигини таъминлайди. “Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш” жумласининг ўзи ҳам бир нечта сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб кенг маънода комплекс тадбирлар ва вазифаларни ўз ичига қамраб олади.

“Ижтимоий” – сўзи эса аҳолининг барча қатламларига тааллуқли масалалар ҳисобланади. “Ижтимоий” сўзи билан боғлиқ жуда кўплаб тушунчаларни мисол келтириб ўтиш мумкин, юридик энциклопедияларда, “**ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК** – ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, инсоннинг инсон билан тенг ҳуқуқлилиги”, “**ИЖТИМОЙ ҲОЛАТ** – фуқаронинг ўз келиб чиқиши, жинси, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеига кўра муайян ижтимоий табақага мансублиги”, “**ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШ** – ҳокимият ва давлатнинг моҳияти, унинг сиёсий ва иқтисодий негизлари, хўжалик ҳаётининг хусусияти ҳамда шахснинг давлатдаги мавқеи асослари”, “ижтимоий таъминот – давлатнинг, фуқароларнинг ижтимоий кам таъминланган қатламларни уларнинг асосий моддий эҳтиётларини қондириш, уларга нафақа ва бошқа кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатиш учун олиб борадиган махсус фаолиятидир”⁴ деган тушунчалари берилган.

Реабилитация - сўзи эса турли соҳаларда ҳар хил талқин қилинади, масалан, тиббиёт соҳасида реабилитация касални тузатиш ёки аввалги ҳолига қайтариш деган тушунчани беради. Юридик соҳада **реабилитация** – юридик тушунча бўлиб, ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилган ёки мулкӣ ҳамда бошқа қонуний манфаатлари чекланган шахснинг оқланиши ва унга келтирилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини кўзда тутади⁵.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни руҳий жиҳатдан ҳаётга мослаштириш, бу жараёнда уларга турли ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатишга йўналтирилган

⁴ Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоаси раҳбари Б. Мустафоев - Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006 йил. - 584 бет.

⁵ Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев - Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006 йил. - 584 бет.

тадбирлар ташкил этиш орқали амалга оширилади ва алоҳида тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишини ёхуд ҳуқуқбузарликлардан жабрланишини олдини олишга қаратилади.

АҚШ, Исроил каби ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда, қўни-қўшнилари мулкларининг дахлсизлигини таъминлаш, оилавий-маиший муаммоларига барҳам бериш ва ўзи яшаётган жойда хавфсиз ҳудуд барпо этилишида ҳисса қўшиш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш ва зарур хабарларни бериш билан шуғулланувчи «**Огоҳ қўшни**» **жамоатчилик тузилмаси**ни ташкил этиш, ҳар бир маҳаллада юзга яқин бундай жамоатчилик тузилмаси фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам жамоатчилик масканларининг ташкил этилиши орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг жиловини сезиларли даражада қўлга олдик. Бундай масканларнинг юртимизда фаолиятини тўғри ташкил этсак, албатта, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кўрсаткичларини анча даражада камайтиришга эришамиз.

Бундан ташқари кўчаларда ва жамоат жойларидат ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш бўлса жамоат тартибини сақлаш ходимларини иш фаолиятини тизимли жорий этиш даркор ҳисобланади яъни **Патруллик қилиш** бу борадаги асосий усуллардан бири бўлиб, ички ишлар органлари ходимининг айрим маҳаллий яшовчилар билан тўсатдан учрашиб қолиши эмас, балки маъмурий ҳудуддаги жамиятнинг барча бўғинлари билан фаол алоқада бўлиш, намунали ўзаро муносабат ўрнатиш ва маслаҳатлар бериш ҳақида амалий келишувлар тузишга қаратилган режали тадбирларни назарда тутати.⁶ Кўплаб давлатлар ички ишлар органлари шахсий таркибининг 60-75 фоизини патруллик хизматлари ташкил этиши ҳам фаолиятнинг ушбу турига бўлган катта эътибордан далолатдир.

Патруллик қилиш ҳудуд ва жиноятчиликнинг интенсивлиги даражасини инобатга олган ҳолда ошқора ва ноошқора йўллар билан ҳуқуқ-тартиботга қарши тайёрланаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олишга қаратилган тезкор, мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, жиноятчига қарши жамият ҳимоясининг биринчи чизигидир. Патруллик нарядлари хизмат фаолияти мобайнида ҳуқуқбузарликларнинг олдини оладилар, яширинган жиноятчиларни қидириб топишда иштирок этадилар, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплайдилар ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатадилар.

Хорижий давлатларда кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири “**муаммони ҳал қилиш**” бўлиб, у полиция томонидан қўлланиладиган замонавий

⁶ Криминология. Дарслик .Зарипов. З.С.тошкент Б-128

усулларни ўз ичига олган янги иш усули ҳисобланади⁷. Эътибор берсак, полициянинг анъанавий иш усули ҳуқуқбузар ёки жиноятчининг шахсини аниқлаш ва уларни жазолашга қаратилган. Бироқ, ишга бундай ёндашиш ҳамма вақт ҳам қўйилган натижани беравермайди. Муаммони ҳал қилишда полиция жамиятда ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишига олиб келадиган муаммо ва сабабларни ўрганади ҳамда уларни бартараф қилиш чораларини кўради. Қолаверса, мазкур усул жиноятга мойил шахсларнинг жиноий йўлни танлашига сабаб бўладиган, ҳаётдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни назарда тутати ва кенг жамоатчилик ёрдамига таянади.

Ҳуқуқбузарларни қайта тиклаш қобилияти ва зарурияти принципи Бмтнинг маҳбусларни даволаш бўйича **minimal standart** қоидаларида (Mandela 2015 қоидалари) мавжуд: ҳукмнинг мақсадларига фақат "агар камок муддати қўлланилса ... бундай шахсларнинг жамиятга реинтеграциясини (қайта ижтимоийлашувини) таъминлаш учун, улар қонунга бўйсунадиган ва мустақил ҳаёт тарзига олиб келиши учун озод қилинганидан кейин". Маҳкумларни қайта тиклаш, жамиятга мақсадли қайтиб келиш жараёни ва жамиятда ҳаёт учун керакли қобилиятларга эга бўлиши ва қонунга бўйсунувчи фуқаро сифатида ўз ўрнини топиш жараёни бўлиб, унда маҳкумларнинг психологик, ташкилий-техник, маиший, коммуникатив-маданий ва норматив-ҳуқуқий хусусиятларининг турли муаммолари (шахсий мақомни тиклаш) ҳал этилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Конвенциясининг асосий қоидаларида назарда тутилган ҳуқуқларни тиклаш ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланганларни қайта тиклашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади: ҳаётга бўлган ҳуқуқ, муносиб ҳаёт, таълим олиш, меҳнат ва бошқалар. Уларни хорижий мамлакатларда қайта социализация қилиш пенитенциар муассасалар, назорат ва синов хизматлари, турли диний ва жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари томонидан амалга оширилади. Пенитенциар муассасалар ўз фаолиятида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, жабрланувчиларни даволаш қоидаларига бевосита таъсир кўрсатадиган талаблар билан бошқарилади.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратилмоқда. Чунки Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничлик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор. «Тинч-осойишта, иқтисодий

⁷ Камишников.А.П.Основы управления в правоохранительных органах. –М. 2004.С. 27.

жихатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир»⁸.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маърузасида: «Биз «Адолат – қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор»⁹, - деб таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Буларни таъкидлаш орқали буларни амалга ошириш билан биргаликда фуқароларим яъни халқимиз орасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришимиз лозим ҳисобланади. Бу ҳақида мухтарам биринчи президентимиз ҳам таъкидлаб ўтган. Шу сабабли бу камчилик яъни ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчига айланиб қолишни олдини олиш ўзимизга боғлиқ ҳисобланади яъни нима демокчиман жабрланувчига айланиб қолмаслик учун ўзимиз ҳуқуқбузарлик содир этишига шарт-шароит яратиб бермасак ёки ўзга шахс томонидан истак туғилишига имкон қолдирмаслигимиз зарур азиз юртдошлар.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.

⁹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2016. – 7 дек.